# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 11 октябрь, № 200 (5874) Жума


# САРМОЯВИЙ МУҲИТ САМАРАСИ

## ишлаб чиқариш корхоналари ривожида яққол намоён бўлмоқда



*Қулай сармоявий муҳит, имтиёзлару преференцияларнинг салмоқли портфели, фаолият юритиш учун зарур шарт-шароитлар ҳар бир мамлакат тараққиёт суръатларини белгилаб берувчи муҳим омиллардир. Истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб юртимизда буларнинг барчаси муҳайё қилингани туфайли глобал инқироз оқибатлари ҳамон сезилиб турган бугунги мураккаб шароитда ҳам иқтисодиётимиз жадал ривожланиб, халқимиз турмуш фаровонлиги тобора юксалиб бораяпти. Ўз навбатида, хорижлик сармоядорлар Ўзбекистонни инвестиция киритиш, бу ерда кўплаб йирик ва истиқболли лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишда энг ишончли ҳамкор давлатлардан бири сифатида эътироф этмоқда.*



Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасига ташриф буюраётган чет эллик ишбилармонлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётгани, мамлакатимизда бизнес юритиш учун кўплаб қулайликлар тақдим этилаётгани улар томонидан алоҳида таъкидланаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг биринчи ярмида ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажми 12,1 триллион сўмни ташкил этиб, 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан қиёсий нархларда 10,5 фоизга кўпайди, капитал қўйилмалар умумий ҳажмидан эса ишлаб чиқариш мақсадлари учун 62,6 фоиз йўналтирилди.

Мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий пойдевор яратилиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш бўйича рўёбга чиқарилаётган чора-тадбирлар, табиийки, бунда салмоқли роль ўйнаяпти.

(Давоми 2-бетда).

# Туризм ва ҳамкорлик истиқболлари

### пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида уч кун давом этган “Ипак йўлидаги туризм” ўн тўққизинчи Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида кенг муҳокама қилинди

Ўзбекистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Таиланд, Малайзия, Сингапур, Франция, Италия каби ўнлаб давлатлардан етти юздан зиёд фирма ва компаниялар вакиллари қатнашган ушбу халқаро форум ўзаро тажриба алмашиш, миллий сайёҳлик имкониятларини кенг намойиш этиш, анъана ҳамда қадриятларни тарғиб қилиш, мавжуд муаммоларни атрофлича муҳокама этиш, қолаверса, ҳамкорлик юзасидан фойдали шартномалар имзолаш ва янги йўналишлар очиш учун қулай шароит яратди.

Ярмарка доирасидаги ҳар бир тадбирда туризм индустриясининг аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритилди. Дарҳақиқат, ушбу соҳа иқтисодиёт тармоқлари фаолиятини жадаллаштириш, хорижий валюталарни кенг жалб қилиш, қўшимча иш ўринлари яратиш, халқаро муносабатларни мустаҳкамлаш сингари ўта долзарб масалаларнинг ижобий ечим топишига хизмат қилади. Мана бу рақамга бир эътибор беринг: агар 2010 йилда халқаро туризмдан олинган даромад ҳажми 928 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бугунги кунда ушбу кўрсаткич 1 триллион доллардан ортиб кетди. Шунинг ўзиёқ сайёҳликнинг дунё миқёсида товар ва хизматлар экспорти бўйича етакчи ўринда эканлигини янада яққол тасдиқлайди.

Айтиш жоизки, “Ипак йўлидаги туризм” Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида бу гал бир қатор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, экспозиция стендларининг махсус бўлими таълим туризмига бағишланди. Форумнинг иккинчи кунида эса БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти “Ўзбектуризм” Миллий компаниясининг Республика илмий-ўқув консалтинг маркази билан биргаликда “Туризм ва таълим: ўзаро ҳамкорлик йўллари” мавзуида халқаро конференция ўтказди.

— Мамлакатингизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилиб, ўғил-қизларнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда билим олишини таъминлаш, қобилият ва иқтидори, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида салмоқли ишлар бажарилаётганидан яхши хабардормиз, — дейди Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижрочи директори Золтан Шомоги. — Ушбу жараёнда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш ҳам алоҳида эътиборга олингани диққатга сазовордир.

(Давоми 2-бетда).

### КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

*Парламентимиз юқори палатасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси томонидан “Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари” мавзуида республика семинари ўтказилди.*

# Фуқаролар йиғинлари сайловига тайёргарлик қизғин давом этмоқда

Сайлов ташкилотчиларининг ушбу ижтимоий-сиёсий жараённи ташкил қилиш ва ўтказиш билан боғлиқ билим ҳамда кўникмаларини бойитиш мақсадида уюштирилган ушбу тадбирда сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар комиссиялари раислари, маҳаллий ҳокимликлар ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарлари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлимлари раислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда маҳалла институтини бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш, бунинг учун эса, аввало, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қатор қонунчилик ташаббуслари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонунини такомиллаштириш ғояси илгари сурилган эди. Жорий йилда ушбу Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Шу йилнинг ноябрь — декабрь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинларига сайловлар мазкур ҳужжат талаблари асосида ўтказилади. Бу эса сайловнинг барча ташкилотчилари, хусусан, кўмаклашувчи комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳлар аъзоларининг қонунчилик билан боғлиқ билимларини бойитишни тақозо этади.

(Давоми 2-бетда).

# Ватан равнақига дахлдорлик туйғуси

### ТАДБИР

Мамлакатимизда фарзандларимизни, айниқса, қизларни миллий қадриятларимизга нисбатан ҳурмат-эҳтиром, ғурур ва ифтихор туйғуси билан вояга етказиш, уларнинг оилада, жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатларда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг муносиб ҳиссаси бор. Чунончи, жорий йилда қўмита томонидан ўтказилган кўплаб маърифий тадбирларда “Обод турмуш йили” Давлат дастурида белгилаб берилган вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, онгу шуурини миллий манфаатларимизга зид ғояларнинг хавфли таъсиридан ишончли ҳимоялаш, қизларнинг оила олдидаги масъулиятини кучайтиришга қаратилган долзарб масалалар қамраб олинди.

(Давоми 2-бетда).


## ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Нашрларимизга 2014 йил учун обуна давом этмоқда.**

**Обуна тадбирига, мулкчилик шаклидан қатъи назар, даврий матбуот нашрларини тарқатиш билан шуғулланувчи барча корхона ва ташкилотлар жалб этилган. Бундан ташқари, обуначиларга қулайлик яратиш мақсадида "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририяти**

**WEBSUM электрон тизими**

**билан ҳамкорликда ўз нашрларига 2014 йил учун обунани расмийлаштиришнинг янги электрон шаклини жорий этганини маълум қилади. Бунинг учун www.xs.uz, www.narodnoeslovo.uz расмий сайтлари ёки www.websum.uz сайти орқали белгиланган буюртманомаларни тўлдиришингиз кифоя.**

**Обунани расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар билан www.xs.uz ёки www.narodnoeslovo.uz сайтларида батафсил танишишингиз мумкин.**

**Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 233-10-03, 232-10-63.**


# хабарлар

**Янгиликлар, воқеалар,**

■ *Мураккаб технологияли дастгоҳда матога нақш босиш осон иш эмас. Лекин Ўрта Чирчиқ туманидаги саноат касб-ҳунар коллежини тамомлаган Моҳира Пардаева учун бунинг қийин жойи йўқ.*

## Илғор технологиялар имконияти

Худди шу туманда яқинда чет эл сармояси иштирокида иш бошлаган “Ангор текстиль” масъулияти чекланган жамиятида Моҳира каби 250 нафар чевар фаолият юритмоқда. Корхонада аёллар ва эркаклар, шунингдек, болалар учун замонавий андозадаги мавсумий кийим-бошлар тикилмоқда. Эътиборлиси, тайёр маҳсулотнинг асосий қисми экспорт қилинаяпти.

— Корхонамизга хориждан яна бир туркум дастгоҳлар келтириш ҳаракатидамиз, — дейди жамият раҳбари Рустам Раҳматов. — Мазкур режамиз амалга ошиши билан матони рангга бўяшни ҳам ўзлаштирамиз. Бу ишлаб чиқаришга йўналтирилаётган маблағни тежаш баробарида, яна 150 нафар йигит-қиз учун қўшимча иш жойлари яратиш имконини беради.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Узун туманилик фермер Раҳматулло Ашуров саъй-ҳаракати билан “Хонжиза лангари” хусусий корхонаси ташкил этилди.*

## Мавсумга муносиб тараддуд

Натижада анчадан буён фойдаланилмай ётган бино капитал таъмирланиб, сиғими 1000 тонналик музлаткичли омборхона бунёд этилди. Ушбу мақсад учун 700 миллион сўм йўналтирилди.

— Айни пайтда аҳоли ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларидан мева-сабзавот маҳсулотларини жамғараяпмиз, — дейди тадбиркор. — Хорижнинг илғор технологияси билан жиҳозланган омборхонамизда куз неъматларини янги узилгандек сифатли сақлаш имконияти мавжуд.

Айтиш жоизки, Сурхондарё вилоятида жорий йил якунига қадар қуввати 3200 тонналик 3 та шундай музлаткичли омборхонани фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Пастдарғом туманидаги “Элбек ТРЖ” хусусий фирмаси раҳбари Тоҳир Раҳмонов ташаббуси билан пиллани қайта ишлашга мўлжалланган янги технологик линия ишга туширилди.*

## Хориждан ҳам буюртмалар тушмоқда

Бунинг учун банкнинг 124 минг АҚШ долларилик кредити эвазига хориждан замонавий ускуналар келтириб, ўрнатилди. Шунингдек, корхона учун ажратилган туман пилла қабул қилиш пункти биноси таъмирланиб, қайта жиҳозланди. Пировардида 50 кишининг бандлиги таъминланди. Яна бир эътиборли жиҳати, “Элбек ТРЖ” жамоаси йилига икки марта ипак қурти боқишни ҳам йўлга қўйди.

— Корхонамизда йилига 50-60 тонна қимматбаҳо енгил саноат хом ашёси тайёрланади, — дейди Т. Раҳмонов. — Ҳозирданоқ бизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон каби бир қатор мамлакатларнинг етакчи фирмалари харидор бўлишмоқда.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Жиззах шаҳридаги “Агрополив-сервис” масъулияти чекланган жамияти томонидан умумий қиймати 4,5 миллиард сўмга тенг лойиҳа амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги экинларини томчилатиб суғоришда қўлланиладиган полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

## Сув тежалиб, ҳосилдорлик ортади

— Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла ҳудудидаги бўш турган бинолардан бирини қайта таъмирлаб, Хитойдан 1 миллион 242 минг АҚШ долларилик замонавий ускуналарни олиб келиб ўрнатдик, — дейди жамият раҳбари Азиз Султонов. — Йилига 600 тонна хом ашёни қайта ишлаш имкониятига эга корхонамизда сув ва электр тармоқлари учун ишлатиладиган бир неча турдаги шланглар ҳамда уларни боғловчи қисмлар тайёрлана бошлади. Айниқса, бир йиллик ва кўп йиллик экинларни томчилатиб суғоришга мосланган қувурларнинг харидорлари кўпаймоқда.

Айни пайтда корхонада 50 киши доимий иш билан таъминланган.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Фуқаролар йиғинлари сайловига тайёргарлик қизғин давом этмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Тадбир асносида “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонунга киритилган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар, хусусан, кўмаклашувчи комиссиялар фаолияти билан боғлиқ янгиликлар ҳақида маълумот берилгани биз учун айни муддао бўлди, — дейди фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Андижон вилояти комиссияси раиси Тўлқин Каримов. — Ушбу комиссиянинг асосий вазифаси фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларга сайлов жараёнларида ҳар томонлама ёрдам бериш, кўмаклашишдан иборатдир. Мисол учун айтадиган бўлсак, ишчи гуруҳ тегишли ҳудудда бўлиб ўтадиган сайловнинг санаси, вақти ва жойини мустақил тарзда белгилайди. Комиссия эса унга сайловни юқори савияда ташкил этиш ва уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича жойларни белгилаш ҳамда уларда зарур шарт-шароит яратиш юзасидан чора-тадбирларни амалга оширишкаби ташкилий масалаларда яқин кўмакчи бўлади.

Семинарда ишчи гуруҳларнинг янги ваколатлари хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди. Янги таҳрирдаги Қонунга биноан, эндиликда ишчи гуруҳларга ҳовлилар, уйлар, кўчалар ҳамда шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллалар аҳолисининг фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишларини ташкил этиш ва ўтказиш, аҳоли умумий йиғилиши иштирокчиларини рўйхатга олиш, йиғилиш баённомасини тузиш, тегишли комиссияга тақдим қилиш учун нафақат фуқаролар йиғини раиси, балки унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлаш каби ваколатлар ҳам берилди.

— Аввало, ишчи гуруҳ фуқаролар йиғинининг ўзи томонидан тузилади, — дейди сенатор Эркин Рўзметов. — У сайлов куни, вақти, жойини мустақил белгилашдан ташқари, фуқаролар вакиллари бўйича умумий йиғилишларни ташкил этади. Шу ўринда бир жиҳатга эътибор қаратишни истардик. Мазкур умумий йиғилишлар чоғида ишчи гуруҳ сайловчилар вакилларини сайлашдан ташқари, бир қатор қўшимча вазифаларни ҳам бажаради. Яъни аҳолини соҳа қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардан хабардор қилади, номзодлар бўйича аҳолининг фикрларини ўрганади. Шуларнинг ўзиёқ ишчи гуруҳлар масъулияти ниҳоятда катта эканидан далолат бериб турибди. Зеро, уларнинг самарали фаолияти фуқаролар йиғинлари сайловини демократия талаблари асосида ўтказиш ва пировардида мамлакатимизда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилидан кўзланган мақсадларни рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Тадбирда фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга қўйиладиган талаблар ҳамда бунинг аҳамияти таҳлил қилинди. Хусусан, номзодларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотли, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларида ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибага ҳамда аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

— Номзоднинг сайловгача камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши билан боғлиқ талабни олиб қарайлик, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими раиси Шавкат Жониқулов. — Нега камида беш йил деган саволга жавоб шуки, беш йил бир одам маълум бир ҳудудни яхши билиб олиши, шиддат билан ўзгараётган ҳозирги замонда у ёки бу ишни амалга ошириш, масаланинг негизига етиб бориш учун ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўрганиши, қўшни, маҳалла-кўй билан уйғунлашиб кетиши учун етарли муддатдир. Бундан ташқари, сайланадиган аксарият маслаҳатчилар келгусида фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларга раҳбарлик қилишади. Ушбу комиссиялар ишини самарали ташкил этиш эса фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган кенг қамровли вазифалар ижросини таъминлашга қаратилганлиги билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Шу боисдан нафақат фуқаролар йиғини раиси, балки унинг маслаҳатчилари лавозимига ҳам ҳар томонлама муносиб фуқароларнинг сайланишини таъминлаш объектив зарурат ҳисобланади.

Шунингдек, анжуманда сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ устувор вазифалар муҳокама қилинди. Хусусан, фуқаролар йиғинлари органларини шакллантиришда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўла рўёбга чиқариш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитни яратиш, сайлов жараёни иштирокчилари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз ва оғишмай риоя этилишини таъминлаш, бунинг учун уларга ҳуқуқий қўлланма ва адабиётларни етказиб бериш, номзодлар ҳамда уларнинг ахлоқий фазилатлари билан сайловчиларни таништириш, ушбу тадбирга аҳолини, хусусан, ёшлар ва хотин-қизларни кенг жалб қилиш, сайловни ошкоралик, мўқобиллик, тенглик тамойиллари асосида ташкил этиш ва ўтказиш жараёнини кенг ёритиш бўйича ахборот-таҳлил ишини кучайтириш кераклиги алоҳида уқтириб ўтилди. Шундан келиб чиқиб, тадбирда муҳокама қилинган масалалар бўйича жойларда ҳам кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлар аъзолари, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида семинарлар ўтказишга келишиб олинди.

Якунда қатнашчилар мавзу билан боғлиқ барча саволларига етарлича жавоблар олишди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





# Туризм ва ҳамкорлик истиқболлари

пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида уч кун давом этган “Ипак йўлидаги туризм” ўн тўққизинчи Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида кенг муҳокама қилинди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Зеро, бусиз сайёҳлик истиқболини тасаввур этиш қийин. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида туризм йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ҳамда Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтларида халқаро туризм, сайёҳлик маркетинги ва менежменти, хизмат кўрсатиш, меҳмонхона хўжалиги каби йўналишларда мутахассислар тайёрланмоқда. Тадбир давомида ана шу таълим муассасаларининг айрим талабалари, ўқувчилари билан суҳбатлашиш имкониятига эга бўлдим. Уларнинг интилувчанлиги, истеъдоди менда катта таассурот қолдирди. Айниқса, ёшларнинг икки-учта хорижий тилда бемалол сўзлаша олиш қобилиятига ҳавасим келди. Туризмни ривожлантириш йўлида ўз олдига юксак мақсадларни қўйган Ўзбекистон бундай билимли, заковатли кадрлар салоҳиятидан фойдаланиб, юксак марраларни забт этишига ишончим комил.




Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Мамлакатимизда сайёҳликнинг жадал ривожланаётган яна бир истиқболли йўналиши, бу — “геотуризм” бўлиб, халқаро тадбирга ташриф буюрганларга унинг афзалликлари ҳақида кенг тушунча берилди.

Шунингдек, ярмарка давомида юртимиз сайёҳлик компаниялари, соғломлаштириш марказлари, театрлар, санаторий ҳамда шифохоналар, темир йўл тизими вакиллари ўз тақдимотларини ҳам ўтказдилар. Тадбирнинг сўнгги кунида ташкил қилинган “Миллий таомлар фестивали”да, қолаверса, экспозициядан жой олган “Шарқ бозори” ҳамда “Ҳунармандлар шаҳри” бўлимларида ўзбек миллий таомлари, пазандачилик санъатига оид маълумотлар берилди, ҳунармандларнинг ижод намуналари намойиш қилинди.

Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида туризм йўналишидаги энг яхши компания ва меҳмонхона, энг яхши кўргазма стенди, энг яхши ҳудудий тақдимот, энг яхши сайёҳлик йўналиши каби номинациялар бўйича ғолиблар ҳам аниқланди.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# САРМОЯВИЙ МУҲИТ САМАРАСИ

ишлаб чиқариш корхоналари ривожида яққол намоён бўлмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шубҳасиз, енгил саноат тармоқлари, жумладан, тўқимачиликда ҳам мана шундай имкониятлар кенг ишга солинмоқда. Президентимизнинг бир қатор Фармон ва қарорлари ана шу эзгу юмушларни самарали амалга оширишда асосий дастуриламал бўлаётир. Чунончи, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 15 декабрдаги “2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “Ўзбекенгилсаноат” давлат-акциядорлик компанияси томонидан 2012 йилда умумий қиймати 194,8 миллион доллардан зиёд 28 та инвестиция лойиҳаси амалиётга жорий этилди. Пировардида бир қанча янги корхоналар ташкил этилган бўлса, мавжудлари модернизация қилиниб, техник ҳамда технологик жиҳатдан қайта жиҳозланди. Энг муҳими, 3,7 мингдан ортиқ иш ўрни барпо этилди.

Шу ўринда 2011 йилда “Ўзбекенгилсаноат” ДАК ва Швейцариянинг “Rieter AG” компанияси ўртасида стратегик шериклик йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш керак. Сабаби, бунинг самараси сифатида пойтахтимизда тўқимачилик ускуналари ишлаб чиқариш, улар билан маҳаллий корхоналарни мақбул нархларда, қулай муддатларда таъминлаш йўлга қўйилди.

Маълумот учун айтиб ўтиш мумкинки, 1795 йилда ташкил этилган “Rieter AG” компанияси жаҳон тўқимачилик техникалари ва эҳтиёт қисмлари бозорида етакчи етказиб берувчи ҳисобланади.

— Ушбу лойиҳа уч босқичдан иборат, — дейди “Rieter Uzbekistan” корхонасининг ишлаб чиқариш линияси бош муҳандиси Шерзод Абдураҳмонов. — Биринчи босқичда лентали ва тароқли машиналар тайёрлаш ўзлаштирилди. Кейинги босқичларда эса ҳалқали йигирув машиналари, металлни қайта ишлаш ва кукунли бўяш цехлари ишга туширилади.

Ҳозирги кунда бу ерда тайёрланган маҳсулотлар “Астера текстиль” (Қорақалпоғистон Республикаси), “Индорама Қўқон текстиль”, “Қува текстиль” (Фарғона вилояти), “Узтекс Шовот” (Хоразм вилояти) каби юртимизда фаолият юритаётган тўқимачилик корхоналарида кенг қўлланилмоқда. Бунинг натижасида уларда ўтган йили юз минг тоннадан зиёд пахта толаси қайта ишланди.

Эътиборлиси, корхона жамоасининг асосий қисмини олий таълим муассасалари ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ташкил этади. Шулар баробарида, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳамда бир қатор ўрта махсус таълим муассасалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани иқтидорли ёш кадрларни кашф этиш имконини бермоқда. Булар, ўз навбатида, навқирон авлоднинг жамиятда муносиб ўрин топишига ҳисса бўлиб қўшилади.

Қисқача айтганда, мамлакатимизда бу борада салоҳият, хом ашё ва меҳнат ресурслари, транспорт-коммуникация, муҳандислик, банк инфратузилмаси мавжудлиги, энг муҳими, уларни юзага чиқариш ҳамда ривожлантиришга берилаётган юксак эътибор тўқимачилик соҳасини янада равнақ топтириш, аҳоли ижтимоий бандлигини мустаҳкамлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” бренди нуфузини жаҳон миқёсида янада оширишга хизмат қилмоқда.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Ватан равнақига дахлдорлик туйғуси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Куни кеча Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан уюштирилган “Ибрат бўлиш масъулияти” мавзуидаги маънавий-маърифий тадбирда ёшларга ибрат бўлиш масъулияти, йигит-қизларнинг юксак фазилатларга эга бўлишларини таъминлашнинг энг муҳим жиҳатлари хусусида атрофлича сўз юритилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари масъуллари, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, миллий ва нодавлат телеканалларида фаолият юритаётган бошловчи ҳамда сухандонлар қатнашди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда юртимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада самарали ташкил қилиш, журналист кадрларнинг малакасини ошириш, ОАВнинг моддий-техник базасини янада яхшилаш борасида кўрилаётган аниқ чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ахборот олишга бўлган эҳтиёжи изчил таъминланмоқда. Айниқса, мамлакатимиз миллий ва жамоат телерадиоканаллари ёшлар манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий билимларини янада ошириш, маданиятини юксалтириш, ҳар бир йигит-қиз қалбида Ватан тараққиётига дахлдорлик ҳиссини шакллантиришга муносиб улуш қўшмоқда.

Тадбирда телеканалларда фаолият кўрсатаётган бошловчи, сухандон аёлларнинг ёшларга, хотин-қизларга ибрат вазифасини ўташдаги ўрнига тўхталиб ўтилди. Таъкидланганидек, миллий ва нодавлат телеканалларда меҳнат қилаётган айрим бошловчиларнинг нутқ маданияти талаб даражасида эмаслиги, кийиниш бобида одоб-ахлоқ қоидаларига тўла риоя этилмаётганлиги ёш авлод маънавиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис келгусида телебошловчиларнинг малакасини ошириш, уларнинг касб маҳоратини юксалтириш, бунда, шубҳасиз, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шерикликни янада мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Зиёда АШУРОВА.**

ИЛМ-ФАН

# Муқобил энергия манбалари

## юксак натижаларга эришиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда муҳим ўрин тутади

*Бугунги кунда, бутун дунёда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам табиий бойликларни тежаш ва ишлаб чиқариш тармоқларига экологик соф технологияларни жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки бу ҳам иқтисодий барқарорликка эришиш, ҳам атроф-муҳитга салбий таъсирларни камайтиришда жуда муҳим омил ҳисобланади. Шу маънода айтганда, Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ўз вақтида қабул қилинган тарихий аҳамиятга эга ҳужжатдир.*

Муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг афзалликлари ҳақида сўз юритишдан аввал жаҳон энергетикасидаги ҳозирги аҳвол хусусида қисқача тўхталиб ўтсак. Халқаро ташкилотларнинг ҳисоб-китобларига кўра, иқтисодий тараққиёт туфайли 2030 йилга бориб энергетикага бўлган талаб асримиз бошидагига нисбатан 50 фоиздан зиёдроққа ўсади ва умумий эҳтиёж 23,27 миллиард тонна шартли ёқилғини ташкил қилади. Демакки, ўз-ўзидан атроф-муҳитга салбий таъсир ҳам кучайиб боради.

Айни пайтда жаҳонда ишлаб чиқарилаётган барча энергиянинг 10,2 фоизи қайта тикланувчи қувватлар ҳисобига тўғри келаяпти. 2050 йилга бориб эса унинг айрим турларидаги улуши 70 фоиздан ошиши кутилмоқда. Бу биргина корхоналар томонидан экологияга чиқарилаётган зарарли чиқитларни 500 миллиард тоннага камайтириш имконини беради. Зеро, кам углеродли энергетикани ривожлантиришдан мақсад ҳам буғ газларининг ҳавога кўтарилиши ортаётгани туфайли юзага келаётган глобал муаммоларни ҳал этишдан иборатдир. Кўзда тутилган режага мувофиқ, масалан, 2020 йилга бориб бундай газлар миқдорини 20-25 фоиз, 2040 йилда 40 фоиз, 2060 йилда эса 50-60 фоизга озайтириш мўлажалланган.

Маълумки, Ўзбекистон ёқилғи-энергетика ресурслари бўйича ўз эҳтиёжини тўла таъминлай оладиган давлатдир. Ҳозирги вақтда бу таъминотнинг асосий қисмини, яъни қарийб 80 фоизини табиий газ, 7,6 фоизини нефть, 5 фоиздан ортиғини кўмир ташкил этади. Мамлакатимиз муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича ҳам улкан салоҳиятга эга. Жумладан, юртимиз ҳудудига тушадиган қуёш энергияси ҳамда ҳосил бўладиган назарий қувват миқдори 6 миллиард 750 миллион тонна шартли ёқилғига тенг. Бу мавжуд қайта тикланмайдиган ресурслар захирасига нисбатан уч баробар кўпдир.

Президентимиз 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида табиий ресурслардан самарали фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, муқобил энергия ресурсларини излаш ва жорий этиш ишларининг талаб даражасида эмаслигини, ушбу соҳада зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар тўпланиб қолганини алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар. Ана шу танқидий фикрлар тадқиқотларни ривожлантириш ва истиқболли, деб топилган илмий ишланмаларни амалиётга тезроқ жорий этиш масъулиятини янада оширди.

Чиндан ҳам, юртимизда муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятлари катта. Айтайлик, республикамизда йилнинг асосий қисми қуёшлидир. Унинг қуввати 50 триллион 973 миллион тонна шартли ёқилғига тенг бўлиб, бу мамлакатимизда аниқланган жами энергия захираларига нисбатан анча кўпдир.

Тўғри, муқобил энергия манбаларидан, энг аввало, қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида илмий ва экспериментал тадқиқотлар олиб бориш борасида Ўзбекистонда муайян тажриба тўпланган. Улар юзасидан ишланмалар қилинаяпти. Хусусан, Фанлар академияси “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг тадқиқотлари натижалари жаҳон миқёсида эътироф этилган. Иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти учун паст потенциалли қурилмаларни яратиш, электр қуввати олиш учун фотоэлектрик ва термодинамик ўзгарткичлар, махсус материаллар синтези технологияларида, материаллар ва конструкцияларга термик ишлов беришда қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, айниқса, фаол ва самарали давом этмоқда. Республикада қуёш энергияси билан сув иситадиган қурилмалар асосида уй-жойлар ҳамда ижтимоий объектларни иссиқ сув билан таъминлаш тизимлари ишлаб чиқилмоқда ва улардан тажриба тариқасида фойдаланилмоқда.

Олимлар олдида турган вазифа инновацион илмий ишланмаларни иқтисодиётнинг турли тармоқларига кенг татбиқ қилиш, фан, технология ва иқтисодиёт ривожланишининг уйғунлигини таъминлашдан иборатдир. Фикримизча, инновацион ишлаб чиқаришнинг ривожланишида электр ва иссиқлик энергетикаси ресурсларини тежаш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Республикамиз шароитида, айниқса, бу соҳада қуёш батареялари, шамол ва микрогидроэнергетик асбоблар каби энергияни тиклаш манбаларининг кенг кўламда жорий қилиниши кутилган самарани бериши, шубҳасиз. Сабаби, агар мамлакатимиз энг кўп қуёшли кунларга эга минтақада эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, жойларни иситишда қуёш коллекторларини ишлатишга ўтилса, бу билан иқтисодиёт ҳамда энергетика тизимида катта ютуққа эришган бўлардик.

Қайд этиш керакки, қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш ҳамда қуёш энергиясида ишлайдиган улкан объектларни қуриш учун муайян ер майдонлари талаб қилинади. Чунки 1 МВт электр энергияси ҳосил қилиш учун бир гектар майдонга, 100 МВт қувват учун эса 100 гектар ерга қуёш қурилмаларини ўрнатиш зарур. Шунинг учун республикамизда муқобил ва қайта тикланадиган энергетиканинг барча йўналишлари бўйича алоҳида технология ва технологик база яратилиши керак.

Ўзбекистондаги яна бир қайта тикланувчи энергия манбаи, бу — гидроэнергия ресурслари бўлиб, унинг салоҳияти бошқаларига нисбатан анча чуқур ўрганилган. Қуйидаги рақамга эътибор беринг: мамлакатимиздаги катта-кичик дарёларнинг энергия ҳосил қилиш қуввати 107 миллиард 1 миллион 50 минг кВт соатга тенг. Қолаверса, муқобил энергия соҳасида биомассадан фойдаланиш бўйича ҳам кўплаб лойиҳалар амалга оширилаяпти.

Таъкидлаш жоиз, Қарши давлат университетининг Иссиқлик физикаси ва энергетикаси кафедраси профессор-ўқитувчилари кўп йиллардан буён ЎзФА “Физика-Қуёш” ИИЧБ олимлари билан ҳамкорликда ноанъанавий энергия манбалари, жумладан, қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Ушбу жараёнда турли қуёш қурилмаларининг экспериментал вариантлари ва моделлари яратилган бўлиб, улар тажриба-синовдан муваффақиятли ўтказилган.

Фармонда кўзда тутилган вазифаларнинг ижросини тўла таъминлашда мутахассис кадрларнинг ўрни беқиёс аҳамият касб этади. Бунинг учун, албатта, юқори малакали техник сервис хизмати кўрсатадиган ихтисосликларга эга касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва бакалавр-энергетика йўналишлари бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш, мазкур соҳада кенг кўламдаги илмий тадқиқот ишларини йўлга қўя оладиган магистратура мутахассисларини ўқитиш, уларга билим бериш лозим. Ушбу вазифалар ҳам зиммамизга катта масъулият юклайди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 20 майдаги “Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори сифатли малакали мутахассислар тайёрлашни тубдан яхшилаш тўғрисида”ги қарори бунда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, Президентимизнинг “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда муқобил энергия манбаларини яратиш ва ривожлантириш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқади, иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

**Асқар ВАРДИЯШВИЛИ,**
**Қарши давлат университети Иссиқлик физикаси ва энергетикаси кафедраси профессори, техника фанлари доктори.**

## ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

**қуйидаги ихтисосликлар бўйича катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига ва мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади:**

**02.00.06** — Юқори молекуляр бирикмалар
**05.02.02** — Механизмлар ва машиналар назарияси. Машинашунослик ва машина детали
**05.02.03** — Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехника тизимлари
**05.19.02** — Тўқимачилик материаллари технологияси ва хом ашёга дастлабки ишлов бериш
**05.19.03** — Тери, мўйна, пойабзал ва тери-галантерея буюмлари технологияси

**Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига ва мустақил изланувчиликка кирувчилардан ариза ҳамда ҳужжатлар 2013 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг бош биноси, 66-хона.
Телефон: (8-371) 253-19-59. Тел./факс: (8-371) 253-08-08.**

1721А/980

## «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси «Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси Шўртан газ-кимё мажмуаси

**қуйидаги ускуналарни сотиб олиш юзасидан 11/13-сонли тендер савдосини эълон қилади.**

| *Лот сони* | *Ускуна номи* | *Миқдори* |
|---|---|---|
| Лот № 1 | Полиэтилендан полимерли суперконцентрат ишлаб чиқарувчи ускуна | 1 тўплам |
| Лот № 2 | Диаметри 20 мм.дан 63 мм.гача бўлган иссиқ сув етказиб берувчи ва иситувчи кучайтирилган шиша толали полипропилен қувурлар ишлаб чиқарувчи экструдер ускунаси | 1 тўплам |

***Тендер таклифлари 2013 йил 8 октябрдан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади.***

**Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**
Шўртан газ-кимё мажмуаси, 180300, Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони.
Тел./факс: (+99875) 780-87-74. Факс: (+99875) 221-09-04, 221-08-46.
Электрон почта: tender@sgcc.uz web site: www.sgss.uz www.tenderweek.com

1711А/45

## «ТУРОН КЎЧМАС МУЛК САВДО» МЧЖ

**баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

*2013 йил 5 ноябрь куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 2/1-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:*

**1.** Хоразм вилояти хўжалик судининг 2012 йил 18 декабрдаги 22-1205/13098-сонли ҳал қилув қарорига асосан, банкрот деб эътироф этилган, МЧЖ шаклидаги «BAGAT-TEKSTIL» қўшма корхонаси кредиторларининг 2013 йил 27 сентябрдаги 4-сонли йиғилиш баёни қарорига асосан, Боғот тумани, Ўзбекистон кўчаси, 3-уйда жойлашган, МЧЖ шаклидаги «BAGAT-TEKSTIL» қўшма корхонаси мол-мулклари мулкий мажмуа ҳолида.

***Бошланғич баҳоси — 20 913 917 000 сўм.***

**2.** Хоразм вилояти хўжалик судининг 2012 йил 18 декабрдаги 22-1205/13098-сонли ҳал қилув қарорига асосан, банкрот деб эътироф этилган, Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл тумани, Қирққиз шоҳкўчаси, 3-уйда жойлашган МЧЖ шаклидаги «BAGAT-TEKSTIL» қўшма корхонасининг Тўрткўл бўлими мол-мулклари мулкий мажмуа ҳолида.

***Бошланғич баҳоси — 19 996 600 000 сўм.***

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги мулклар 2013 йил 5 ноябрдаги очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий очиқ аукцион савдолари 2013 йил 7 ва 12 ноябрь кунлари сотилгунга қадар бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан сотувчи иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади. Буюртманомаларни қабул қилиш савдолардан бир кун олдин соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртманома, закалат келишуви, закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилади.

Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш ва 10 кун ичида тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш мажбурияти юклатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Турон кўчмас мулк савдо» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904925192001, МФО: 00580, СТИР: 302054263.

**Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда ва (8-362) 224-13-97 телефони орқали олиш мумкин.**

**Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 2/1-уй,
Халқ демократик партияси биноси, 2-қават, 206-хона.**

*Лицензия: RL-001 RR-0088.*

1698А/970

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

### 2013 йил 17 ва 24 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган оммавий оферта савдоларига таклиф этади.

**Оммавий оферта савдоларига Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 2 ноябрдаги 10-1207/18757-сонли иш бўйича қарорига асосан, банкрот деб топилган, тугатилаётган «SANAR» хусусий корхонаси ҳамда Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2013 йил 8 январдаги 10-12191/15292-сонли иш бўйича қарорига асосан, банкрот деб топилган, тугатилаётган «SANAR-AVTO RETAIL» масъулияти чекланган жамияти балансидаги қуйидаги мол-мулклари қўйилмоқда:**

| Т/р | Мол-мулклар номи | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|
| 1. | Бетон қоришмаси учун идиш (бадья), ишлатилган, 3 дона | 1 862 718 |
| 2. | Бетонқорғич 1,5 м3, 1 дона | 2 485 520 |
| 3 | Гильотина, двигателсиз, 1 дона | 2 116 725 |
| 4. | Вагон-уй, яхши ҳолатда, 1 дона | 1 756 071 |
| 5. | Швеллер № 35, 1,5 м., 6 дона | 540 000 |
| 6. | Ойна, 6 мм., 3х2 м., 5 дона | 918 000 |
| 7. | Контейнер, 40 тонна, 1 дона | 2 100 000 |
| 8. | 5х5 см. металл бурчаклардан ясалган устунлар (девор), 2,5 м., 19 дона | 564 063 |
| 9. | Профилланган металл листлар (девор) 0,5 мм., 5х1 м., 35 дона | 2 294 250 |
| 10 | Контейнер, 20 тонна, 1 дона | 1 345 000 |
| 11. | Канализация ўраси, d-1 м., 2 дона | 237 216 |
| 12. | Канализация ўралари учун ёпма плита, d-1,2 м., 2 дона | 278 054 |
| 13. | Темир-бетон плита, 3х0,8 м., 1 дона | 98 200 |
| 14. | Темир-бетон плита, 6х1,15 м., 1 дона | 212 200 |
| 15. | Модуль «Кисловодск» конструкцияси (30% қисми жамланмаган), 30х30 м., 1 дона | 63 000 000 |
| 16. | Металл дарвоза, 2х3 м., 1 дона | 360 000 |
| 17. | Бекатдаги эълон пештахтаси, 5 ст. h=7 м., 1 дона | 3 040 000 |
| 18. | Кўча ёритқичлари, 12 дона | 919 980 |
| 19. | Эшик олди эълон конструкцияси, 2х1,5 м., 1 дона | 360 000 |
| 20. | Аравача, 1 дона | 585 701 |
| 21. | Ёғоч поддонлар, 1х1 м., 8 дона | 75 200 |

**Оммавий оферта шартлари.**

***Оммавий оферта савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:***

* юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
* жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
* икки нусхада ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари;
* сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Оммавий оферта савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдога қўйилаётган мол-мулклар бошланғич баҳосининг 20 фоизи миқдоридаги закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Ушбу талаб қилиб олиш ҳуқуқлари билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар қуйида кўрсатилган манзил ва алоқа воситалари бўйича мурожаат қилишлари мумкин.

Оммавий оферта савдоларига тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).

**Мурожаат учун манзил ва алоқа воситалари: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона.
Телефонлар: 144-23-41, 351-28-14. Тел./факс: (8-371) 233-23-40.
Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru**

1726А/985

*Шунингдек, газетанинг 2013 йил 9 октябрдаги 198-сонида чоп этилган «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг тугатилаётган «POLA COMMERCE» МЧЖ балансидаги мол-мулкларини аукцион савдоларига қўйиш тўғрисидаги эълон матни жадвалининг учинчи устунидаги бошланғич нарх «1 100 000 000 сўм» ўрнига «1 042 206 318,02 сўм», деб ўқилсин.*

***Гувоҳнома № 005357.***

## Давлат божхона қўмитаси Миллий кинология маркази

**техник-топшириқ асосида қуйида кўрсатилган товар-моддий бойликларни харид қилиш бўйича танлов эълон қилади.**

1. Хоналар учун замонавий мебель анжомлари (шкаф, тумба, ёзув столи, кресло, юмшоқ мебель тўпламлари, ўқув макетлари учун витрина шкафи, кутубхона жиҳозлари ва ҳоказо).
2. Ўқув анжомлари (интерактив доска, видеопроектор ва ҳоказо).
3. Деразалар учун горизонтал, вертикал жалюзилар.
4. Электр техника воситалари («колонный» совутқичи (кондиционер), плазмали телевизор ва бошқалар).
5. Компьютер техника воситалари.
6. Замонавий фотодизайн асосида ўқув стендларини ишлаб чиқиш ва ўрнатиш, зарҳал ҳарфли шиорлар билан безаш, марказ фаолиятини акс эттирувчи журнал ҳамда буклет дизайнини тайёрлаш ва чоп этиш.
7. Ўқув-машқ биносидаги имитация хонасига айланма «эскалатор» макетини ўрнатиш.

**Барча тижорат таклифлари солинган пакетлар қуйида кўрсатилган манзилда эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кун ичида қабул қилинади:**

**Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қипчоқ 2-тор кўчаси, 9-уй.**
**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 257-45-99, 258-63-22.**

1727А/803

## ООО «FOLGOIZOL KAFOLAT»

**предлагает кровельные и гидроизоляционные материалы.**

***ФОЛЬГОИЗОЛ NUR-IZOL NUR-FLEX — изготовлено по новейшей технологии.***





Предлагаем сотрудничество на выгодных условиях.
Гарантируем качество и надежность.

Телефоны: (+99890) 175-65-00, (+99890) 982-75-96.
www.folgoizol.uz

1552R/887

## «ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

### 2013 йил 24 ва 31 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган оммавий оферта савдоларига таклиф этади.

*Оммавий оферта савдоларига Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 2 ноябрдаги 10-1207/18757-сонли иш бўйича қарорига асосан, банкрот деб топилган, тугатилаётган «SANAR» хусусий корхонаси ҳамда Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2013 йил 8 январдаги 10-12191/15292-сонли иш бўйича қарорига асосан банкрот деб топилган, тугатилаётган «SANAR-AVTO RETAIL» масъулияти чекланган жамияти балансидаги қуйидаги активлари қўйилади:*

**1.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ижро варақасига асосан, «SANAR–AVTO RETAIL» МЧЖнинг фойдасига 3 033 079 172 сўм миқдоридаги талаб қилиб олиш ҳуқуқи.

**2.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ижро варақасига асосан, «SANAR-AVTO RETAIL» МЧЖнинг фойдасига 10 000 000 сўм миқдоридаги талаб қилиб олиш ҳуқуқи.

**3.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ижро варақасига асосан, «SANAR» ХКнинг фойдасига 210 549 426 сўм миқдоридаги талаб қилиб олиш ҳуқуқи.

**4.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ижро варақасига асосан, «SANAR» ХКнинг фойдасига 27 791 000 сўм миқдоридаги талаб қилиб олиш ҳуқуқи.

**5.** 2011 йил 29 апрелдаги 1-SR-сонли «SANAR» ХК ҳамда Хитойнинг «Urumqi Sanlima International Trade Co Ltd» корхоналари ўртасида имзоланган автомобиль ғилдиракларини балансировка қилиш учун қўрғошин грузиклар ишлаб чиқариш линиясига 20 000 АҚШ доллари миқдоридаги битим шартномаси ҳуқуқи.

**Оммавий оферта шартлари.**

***Оммавий оферта савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:***

* юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
* жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
* икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари;
* сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Оммавий оферта савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдога қўйилаётган активлар бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Ушбу талаб қилиб олиш ҳуқуқлари билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар қуйида кўрсатилган манзил ва алоқа воситалари бўйича мурожаат қилишлари мумкин.

Оммавий оферта савдоларига тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. Телефонлар: 144-23-41, 351-28-14. Тел./факс: (8-371) 233-23-40.
Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru**

***Гувоҳнома № 005357.***

1725А/985

## Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти

**06.01.05**
— «Селекция ва уруғчилик» ихтисослиги бўйича 2014/2016 ўқув йиллари учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига танлов асосида

***ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.***

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 2013 йил 15 октябрдан 15 ноябргача.

**Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 1-уй, ЎзҒСУИТИ.**

***Телефонлар: (8-371) 150-61-37, 150-62-72.***

1602А/921

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

**катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади.**

**01.04.06** — Полимерлар физикаси — 2 ўрин
**02.00.01** — Ноорганик кимё — 1 ўрин
**02.00.06** — Юқори молекуляр бирикмалар — 3 ўрин
**02.00.16** — Композицион материаллар кимёси ва технологияси — 4 ўрин
**05.17.04** — Локлар, бўёқлар ва органик қопламалар технологияси — 1 ўрин
**05.17.05** — Резина ва каучук технологияси — 1 ўрин

**Ҳужжатлар 2013 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7-уй.**

***Телефонлар: (8-371) 246-39-28, 246-83-21.***

1715А/130

## Хабарнома

**«Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 20 сентябрдаги 186-сонида чоп этилган хабарномага ўзгартириш:**
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 8 октябрдаги қарори билан 2013 йил 15 октябрь дам олиш куни деб белгиланганлиги сабабли, 2013 йил 15 октябрдаги очиқ аукцион савдолари 2013 йил 17 октябрга кўчирилди.

***«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.***

1722А/105

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони жамоаси Матбуот котибининг ўринбосари Севара Турсуновага онаси **САПИЯ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# Кўнгил хиёбони

**Кўнгил, қалб, дил, ибрат назари, тақдир каби тушунчалар ҳазрат Алишер Навоий талқинида ўзининг тўлиқ ва мукаммал ифодасини топган. Улуғ шоир кўнгил васфида бани башарнинг, жумлаи оламнинг кўнглини назарда тутади.**

## «...Тили поку сўзи поку ўзи пок»

Навоийхонлик

Халқимизда “кўнгилдагидек бўлди” деган ибора бор. Чунончи, бирор-бир ишимиз кўнгилдаги хоҳиш-истагимизга мос тарзда амалга ошса, шукрона айтамиз, миннатдор бўламиз. Бу ҳолатга эришмоқ йўлига ишора этиб, Навоий “Лайли ва Мажнун” достонининг 37-бобида шундай панду насиҳатларни баён қилади:

*Ҳар фисқ хаёли қилса хотир,*
*Тенгрини бошингда англа ҳозир.*
*То борча ишинг дегандек ўлғай,*
*Кўнглинг нечук истагандек ўлғай.*

Яъни, ҳар қандай ёмонликлар хотирангга келса, Тангрини эсла, ёдингда тут, шунда барча ишларинг рисоладагидек — кўнгилдагидек бўлади. Навоийнинг бу ўгитига ўз даврида замондошлари қанчалик эҳтиёж сезган бўлсалар, биз ҳам, қолаверса, келажак авлодлар ҳам бирдек эҳтиёж сезамиз. Чунки ўзининг, ўзгаларнинг кўнглини топиш, кўнгилдагидек ишлаш ва яшаш ҳар бир инсондан иймон-эътиқодли бўлишни, эзгу ишларга камарбасталикни талаб қилади.

Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонининг “Кўнгул таърифидаким” номли бобида кўнгил ҳақидаги фалсафий, ҳаётий, диний, дунёвий, ақлий, нақлий фикрларни маснавий шаклида баён этади. Аслида ушбу достоннинг барча боблари муайян маънода инсон кўнглига қаратилганки, уларни ўқиб кўнглимизга файзу илҳом, нур ва ғайрат, куч-қувват инади. Қувонарли жиҳати шундаки, улуғ шоир ҳар бир бобда инсон қалбига йўл излайди, “ўз ва ўзганинг кўнглини асра, авайла”, дея кўнгилга фараҳбахш лаҳзалар бағишлайдиган лирик лавҳаларни туҳфа қилади. Кўнгил кўзини ножоиз хаёллардан, хатарлардан сақлашга ўргатади.

Кўнгил образига нисбатан шоир “сирлар бўстони”, “жаннат иси”, “илоҳий жилва чироғининг нури”, “энг катта олам”, “энг баланд осмон” каби ташбеҳлар қўллайди. Бу ташбеҳлар орасида, айниқса, “кўнгил — энг баланд осмон” ташбеҳи қадимдан мавжуд ва мақбул “Кўнгил қаноти — осмондан катта” халқ мақолига жуда уйғун ва ҳамоҳангдир.

Кўнгилни Навоий Каъбанинг қадри-қиммати даражасидан юқори қўяди, зеро, Каъба саждагоҳ бўлса, кўнгил Оллоҳнинг жилваси зуҳурланадиган маскан эканлигини қуйидагича изоҳлайди:

***Айни назоҳатда бу аъзами жаҳон,***
***Борча жаҳон аҳли кўзидин ниҳон.***
***Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,***
***Қадри йўқ, андоқки, кўнгил каъбаси.***
***Ким бу халойиққа эрур саждагоҳ,***
***Ул бири Холиққа эрур жилвагоҳ.***

Баъзи ўринларда Навоий бир кўнгилни ранжитмоқ Каъбани вайрон қилмоқ билан баробардир, деган фикрни олға суради. Ўзи яратган образлари тасвирида кўнгил билан боғлиқ фазилатларни алоҳида изоҳларкан, Фарҳод образи тасвирида буни теран ифодалайди:

***Демонким, кўнгли поку ҳам кўзи пок,***
***Тили поку сўзи поку ўзи пок.***
***Мунингтек тийнати покига лойиқ,***
***Дуосин айтибон поки халойиқ.***

“Насойим ул-муҳаббат” асаридаги Шайх Мўмин Шерозий ҳикоятида кўнгил билан боғлиқ бетакрор ҳайратга гувоҳ бўламиз. Шайх “бошяланг, оёқяланг ва зоду ҳамроҳсиз қилган эллик ҳаж” савобини бир она кўнгли шодлигига бағишлайди. Бунда буюк ибрат намунаси мужассамдир. Биз ҳам бу ҳолат ҳайрат ва моҳиятидан маънавий таъсир олиб, ота-онамизнинг, яқинларимизнинг, дўсту биродарларимизнинг кўнглини шод этишга ҳар сония ўзимизда журъат, вақт тополсак, не ажаб! Навоийнинг Искандари вақтида она кўнглини шод этмагани боис ўзини “озурдае” деб атайди, ўлими олдидан онасига ёзган васиятномасида “Ризонг ўлмаса кўнглума ғамзудой” дея армон қилади.

Улуғ шоирнинг кўнгил борасидаги таъриф-тавсифлари кўнглимиз кўзини очса, демак, турмушимизга янада қут-барака, ободлик, фаровонлик, нур инади. Бир-биримизни қулоқ билан эмас, кўнгил билан эшитсак, қайсидир даражада нуқсонларимиздан халос бўламиз, соф кўнгилли инсонлар қаторидан жой оламиз, ҳаётимиз кўнгилдагидек кечади. Дарҳақиқат, ҳазрат Алишер Навоий асарлари мутолааси кўнгилни ўстиради, поклайди ва чароғон қилади.

**Буробия РАЖАБОВА,**
**ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.**

## Жаҳон халқлари мақоллари

- Йўқни қувиб, бордан ажралма.
- Минг ширин маслаҳатдан битта ўрнак иш яхши.
- Бошқаларга таъна қилгандек ўзингга таъна қил, ўзингни кечирганинг каби бошқаларни кечир.
- Яхши китобдан ортиқ ҳақиқий дўст йўқ.

Боқий мерос

**Миллий мусиқамизнинг гултожи ҳисобланган “Шашмақом” барча замонларда санъаткорларимиз учун илҳом манбаи бўлган. У асрлар давомида мусиқашуносларимиз томонидан изчил ўрганиб келинаётир, бу ҳақда кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган.**

## Шашмақом

Аммо ишлар ҳали “мақомот” тушунчаси шинавандалари ўртасида етарли даражада шаклланган, дея олмаймиз. Негаки, аксарият санъат ихлосмандларининг “Шашмақом”, Хоразм, Фарғона мақомлари ҳақида билимлари камлигига, ўзбек мумтоз ғазалларига басталанган, халқона йўсинда айтилган ашулаларни мақом билан чалкаштирганларига гувоҳ бўламиз. Балки бундай гапни оддий тингловчидан эшитсак, у қадар эриш туюлмас, бироқ бугун қўшиқчиликнинг замонавий йўналишларида ижод қилиб, эл назарига тушаётган айрим ёшларимиз ўзи мансуб халқнинг фахри бўлган миллий мусиқа меросини етарлича билмаслиги кишини ўйлантиради. Улар “мақом” деб айтаётган намуналар, нари борса, бирор ҳофиз ёки бастакорнинг миллий йўналишдаги асари ёки ижроси, холос. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: “Мақомларни билиш, уларни тинглаш зарурати нима учун керак?”. Аввало, бу саволга жавобни Юртбошимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асаридан изласак тўғри бўлади. “...агар инсоннинг қулоғи енгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас. Охир-оқибатда бундай одам “Шашмақом” сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини ҳам, Моцарт, Бетховен, Бах ва Чайковский каби дунё тан олган буюк композиторларнинг асарларини ҳам қабул қилиши қийин бўлади”.

Албатта, ҳозирги глобаллашув жараёнида, хоҳлаймизми, йўқми, маданиятлар яқинлашуви, бири-бирига ўзаро таъсири рўй бераётир. Шунга қарамай, биз ўзлигимизни ўзга маданиятлар таъсирига бериб қўйишга ҳаққимиз йўқ. Чунки ёт ғоялар сингдирилган бегона турмуш тарзи замирида биз учун хавфли унсурлар ҳам бўлиши мумкин.

Зотан, миллий мусиқамиз ва унинг жавҳари — мақомлар миллий мафкурамиз шаклланишида етакчи омиллардан биридир. Таниқли олимларимиздан бири: “Чўли Ироқни” тинглаганда кўзини юмиб, сел бўлиб тебранмайдиган ўзбекни ўзбек дейиш мумкинми?” деганида, минг бора ҳақ эди. Эҳтимол, замонавий мусиқа ўйноқи оҳанглари билан тингловчини ўзига ром этар. Бироқ ўз халқининг миллий қадриятлари сирасига кирувчи мумтоз куйларни унутиш, ундан завқ олмаслик мумкинми?! Не бахтки, мустақиллик шарофати билан ўзбек оҳанглари жаҳон саҳналарида янграяпти, турли миллатга мансуб инсонларни, дини ва тилидан қатъи назар, ўзига ром этаётир.

Устозларимиз ўз ижодларида “Шашмақом”га, умуман, мақомотга кенг маънода мурожаат қилганлар. Шу боис ҳам улар яратган мумтоз куйлардан мақомот нафаси уфуриб туради. Устоз санъаткорлар мақом билимдонлари ва унинг моҳир ижрочиси бўлганлар. Чунончи, машҳур бастакор ва ҳофиз Ҳожи Абдулазиз Комиловнинг ижод намуналарини беистисно мақомлар таркибига қўшиш мумкин. Зеро, устоз ўз асарларида мақом намуналаридан шунчалик моҳирона фойдаланганки, уларни мақомдан айро ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов, Жўрахон Султонов, Комилжон Жабборов, Ғанижон Тошматов, Мухторжон Муртазоев, Орифхон Ҳотамов, Фаттоҳхон Мамадалиев сингари атоқли санъаткорлар бу анъанани давом эттириб, умрбоқий асарлар яратдилар.

Ўша даврда устозларга эргашиб мақом йўналишида асарлар яратган ёш бастакорлар ҳам майдонга чиққан эди. Бироқ у вақтдаги сиёсий муҳит фақат Европа академик йўналишини миллий мусиқамизга уйғунлаштирган ижодкорларнигина қўллаб-қувватлади. Мустақиллик туфайли мақом йўлига қўйилган сунъий тўсиқлар олиб ташланди. Шунга қарамай, миллий оҳанглар йўналишида ижод қилаётган айрим бастакорларнинг кўп йиллар мобайнида Европа академик йўналишида фаолият юритишгани боис соф миллий оҳангларга қайтишлари қийин бўлаяпти.

“Шашмақом”нинг замонавий ижро талқинига келсак, бу борада, албатта, устозлар тажрибасига қайта-қайта мурожаат қилиш, ўрганиш, соф миллий оҳанглардан чекланмаган ҳолда мукаммал ижро намуналарини ёшлар талқинида амалга ошириш бугуннинг долзарб вазифаларидандир. Бинобарин, ҳозирги шиддаткор замон, мамлакатимизда амалга оширилаётган буюк ислоҳотлар биз, санъаткорлардан ҳам даврга ҳамнафасликни, ғайратни талаб қилади.

**Маҳмуджон ТОЖИБОЕВ,**
**Ўзбекистон давлат консерваторияси Анъанавий ижрочилик кафедраси профессори, Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи.**

## Рубоийлар

*Кўнгли тилаган муродига етса киши,*
*Ё барча муродларни тарк этса киши,*
*Бу икки иш муяссар бўлмаса оламда,*
*Бошини олиб бир сориға кетса киши.*

* * *

*Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат тутунгиз*
*Жамъиятингиз борини давлат тутунгиз.*
*Чун гардиши чарх будурур, тенгри учун*
*Бир-бирни неча куни ғанимат тутунгиз.*

**Заҳириддин Муҳаммад Бобур.**



Дўппи сенга ярашибди, дугонажон!

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## Донолар бисотидан

Яхшилик уйининг калити — камтарликдир, ёмонлик уйининг калити — такаббурликдир.

**Юсуф ар-Розий.**

Ўзгалар айбина
тетик назар сол,
Ўз айбинг кўргандек
ундан ибрат ол.

**Низомий Ганжавий.**

Киши учун энг фойдали, дилни ёритувчи нарса қаноатдир. Энг зарарли ва нафратли нарса ҳирс ва ғазабдир.

**Абу Али ибн Сино.**

Мардлик кучда ва шамшир ўйнатиш санъатида эмас, мардлик ўзини тута билишда ва адолатли бўлишдадир.

**Саъдий Шерозий.**

Бу оламда яхшилар билан дўстлашишни ҳамма ҳам хуш кўради. Агар зўр бўлсанг, ёмонларни ҳам дўстга айлантира бил.

**Баҳоуддин Нақшбанд.**

Мол-дунёни қанча термагин, у тугайди, озаяди. Ёзилса-чи, сўз абадий қолади, оламни кезади.

**Юсуф Хос Ҳожиб.**

Фанларнинг фойдаси улар ёрдамида олтин ва кумушларни қўлга киритиш эмас, балки улар туфайли зарур нарсаларга эришишдир.

**Абу Райҳон Беруний.**

Тилинг бирла кўнглингни бир тут.

**Алишер Навоий.**

Мушоҳада

***...Куни кеча пойтахтимиздаги нуфузли идоралардан бирида бўлганимизда каттаю кичикдан эшитган илк каломимиз “Ассалому алайкум” бўлди. Биз ҳатто атайлабдан ошиғичроқ тарзда, ҳовлида, йўлакларда, хоналарда кўринган ходимларга биринчи бўлиб қарз саломимизни айтиб улгурган чоғимизда ҳам эшитганимиз яна “Ассалому алайкум” бўлаверди.***

## Ибратли умр саодати

Одатда, ёшлар катталарга, ходимлар раҳбарларга, илтимос ила келганлар эса шу ўтинчнинг тақдирини ҳал қиладиган валломатларга биринчи бўлиб салом бергувчи эди. Бу муассасада баайни ҳамма тенг, ҳамма биринчи...

Ажабки, салом-аликнинг амалдаги тартиб-қоидаларига, эҳтимолки, унчалик мувофиқ келавермайдиган бу ҳолат кишига хуш ёқди, кайфиятимизни кўтарди, олам бирдан чароғонлашиб, кенгайиб қолгандек туюлди. Илло, Инсон кўнглини олмоқ учун тоғларни қўпориш, дарёларни тескари оқизиш шарт эмас, бир оғиз ширин сўзнинг ўзи кифоя. Устига-устак, томчида қуёш акс этганидай, мазкур идорада ёзилмаган қонун асосида ўрнатилган мўъжазгина тартиб одамларни бир-бирига яқинлаштирувчи, улар ўртасида самимият, ишонч ва меҳр уйғотувчи восита сифатида хизмат қилса не тонг.

Энди микёсни кенгайтиришга чоғланиб кўрайлик. Эрталабдан ишга ёки ўқишга отланаётган юртдошингизга айтилган бир оғизгина “Ассалому алайкум” каломи, бир жумла ширин лутф эҳтимол ўша одамнинг кун бўйи кайфияти кўтарилиб юришига сабаб бўлар. Бирники ўнга, ўнники туманга, дегандай, бундай кайфият, лаблардаги самимий табассум мингминглаб одамларда пайдо бўлса не ажаб? Ахир яхши кайфиятда тайёрланган таом ширин бўлгани сингари, кўтаринки кайфиятда адо этилган юмуш ҳам сифатли, ҳам баракали бўлади. Ҳазрат Навоийнинг боқий ва пурҳикмат ўгитига қулоқ тутайлик:

***Кимки бир кўнгли***
***бузуғнинг хотирин***
***шод айлагай,***
***Онча борким,***
***Каъба вайрон бўлса***
***обод айлагай...***

Албатта, кўнгилни шод айламак мақомига кун бўйи тишнинг оқини кўрсатиб юриш билангина эришилмайди. Ҳаётга некбинлик билан қараш деганда фақат ташқи кўриниш, намойишкорона қувноқлик назарда тутилмас. Бунинг жиддий сабаб-омиллари бўлиши тайин. Дейлик, бугунги куннинг ажойиблигига, эртанги куннинг эса янада беҳроқ бўлишига, фарзандлар биздан кўра янада яхшироқ умр кечиришларига нисбатан бўлган собит ишонч. Ёки жамоат транспортида ҳам, кўча-кўйда ҳам, ишхонангизда ҳам сизни ҳеч ким хафа этмаслигига, аксинча, фақат ва фақат хуш кайфиятли, некбин одамларга дуч келишингизга бўлган эътиқод...

Шубҳасиз, булар ўта жўн ва оддий воқеликдай туюлади дастлаб кишига. Чиндан ҳам шундай. Аммо, келинг, уларга амал қилишни ўзимиздан бошлашга уриниб кўрайлик. Бундай эзгу саъй-ҳаракатларнинг ижобий ҳосиласи эса жуда тез орада, аввало, ўзингизда, сўнг бошқаларда намоён бўлиши аниқ.

Қизиқ бир далолат. Тиббий йўналишдаги “Archives of Internal Medicine” журналида чоп этилган “Оптимизм ҳаётни узайтиради” сарлавҳали мақола диққатимизни тортди. Унда Нидерландиядаги руҳий соғломлик институтида олим Эрик Гилтей раҳбарлигида олиб борилган тадқиқотлар натижалари баён қилинган.

Ўн беш йил давом этган илмий изланишлар якунида мутахассислар шундай хулосага келишибди: оптимист, яъни некбин, бу дунёда яхшилар кўплигига, ҳаётда эзгулик устуворлигига ишонган одамлар кундалик турмушдан фақат қора ранг қидирадиган пессимист, эртанги кунига, келажагига ишонмай қарайдиган кишиларга нисбатан узоқ умр кечиришаркан. Яна бир ғалати ҳолат текширишлар чоғи ўз исботини топибди: ҳаётга қувонч кўзи билан, яйраб қарайдиган, мамнун яшайдиганлар ғамгин, серғусса, кўпчиликдан, мисол учун, бола-чақаларидан, турмуш ўртоқларидан, рўзғордан, қўни-қўшниларидан нолиб яшайдиган асабий тенгдошларига нисбатан ҳавас қиларли даражада соғлиққа эга бўлишган.

Илмий жиҳатдан исботланган бу далиллар бир қарашда жуда оддий ҳақиқатлардай туюлади. Ахир “Кенгга кенг дунё”, деб бежиз айтишмаган-ку. Аммо ҳаётнинг ажабтовур томони шундаки, айнан ўта жўн ва оддий кўринган ҳақиқатларга амал қилиш қийинроқ кечади.

Ваҳолонки, инсонга бир бора бериладиган умр бебаҳо эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Кези келганда Қоруннинг ботмон-ботмон ғазнасига бир сониялик тирикликни қўшиб ололмаслигимиз ҳам ўз-ўзидан аён, албатта. Шундай экан, ҳаётимизни некбинлик етовида ўтказмоғимиз жоиз эмасми?

Яна Ҳазрат Навоийга қайтамиз:

***Кони-ю ҳайвони***
***агар ҳуд набот,***
***Ҳар бири бир гавҳари***
***олийсифот.***
***Борчасини гарчи латиф***
***айладинг,***
***Борчадин инсонни***
***шариф айладинг,***

Коинот сарвари, табиат гултожи, олам безаги бўлмиш “шариф Инсон”га ато этилган бемисл неъматлардан бири унинг ўзгаларга шодлик, хуш кайфият, демакки, қўшимча умр улаша олишидир. Шу тарзда умр кечирмоқ саодати ҳар биримизга насиб этсин. Зеро, бундай Инсоннинг кўнгли шод, обод ва озод бўлади...

**Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 76 496 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.30 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5